

**ХДП**1918-йил  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan№24, 2023-йил  
28-iyun,  
chorshanba (32.770)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

*Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi*

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод навоийлик сайловчилар билан учрашди.

## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

**2-3**

### УЗОҚ МУДДАТЛИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЖИЗЗАҲДА

4-Жиззах округ сайлов комиссияси матбуот марказида мuddатидан олдин овоз бериш жараёнларига тайёргарлик масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, масъул котиби, аъзолари, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) узоқ муддатли халқаро кузатувчилари иштирок этди.

Округ сайлов комиссияси раиси Шавкат Шарипов олиб борган анжуман ишини ЕХХТ ДИИХБнинг узоқ муддатли халқаро кузатувчилари жаноб Эрлан Джунушев ҳамда Джоан Адель Браун хоним кузатиб борди.

4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси тадбир иштирокчиларига сайлов участкаларидаги тайёргарлик ҳақида атрафлиха маълумот берди.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчиларнинг мuddатидан олдин овоз беришини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси сайлов кодексининг 14-, 16- ва 57-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун сайлов участкаларида мuddатидан олдин овоз бериш жараёни жорий йилнинг 28 июнь куни бошланиб, 5 июль куни якунланиши ҳақида қарор қабул қилган. Сайлов участкасида мuddатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари эрталаб соат 9:00 дан кеч 18:00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари кундузи соат 11:00 дан 17:00 га қадар давом этади, – дея таъкидлади комиссия раиси Ш.Шарипов.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси котибияти мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларига, шу жумладан, 4-Жиззах сайлов округига округ ҳудудидаги сайловчилар умумий сонининг 5 (беш) фоизи миқдоридан сайлов бюллетенлари ва зарур ҳижозлар жорий йилнинг 22 июнига қадар етказиб берилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, матбуот анжуманида участка сайлов комиссиялари томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги сайловчилар мuddатидан олдин овоз бериш куни, вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилингани, уларнинг мuddатидан олдин овоз бериш бўйича муружаатлари қатъий назоратга олингани ҳам қайд этилди.

Матбуот анжумани иштирокчиларининг мавзу юзасидан берган барча саволларига батафсил жавоб берилди.

**А.ҚАЮМОВ,**  
ЎЗА Мухбири.

**2023 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI**  
**9-IYUL**

**ERTAGA 28-IYUNDAN MUDDATIDAN OLDIN OVOZ BERISH BOSHLANADI**

**БУГУН, 28 ИЮНДАН РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ СОАТ 11:00 ДАН МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ УЧУН ОЧИЛАДИ.**

**САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ВАҚТИ ИШ КУНЛАРИ СОАТ 9:00 ДАН СОАТ 18:00 ГА ҚАДАР, ДАМ ОЛИШ ВА БАЙРАМ КУНЛАРИ СОАТ 11:00 ДАН СОАТ 17:00 ГА ҚАДАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

**САЙЛОВ КУНИ ЎЗ ЯШАШ ЖОЙИДА БЎЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛМАГАН ОВОЗ БЕРУВЧИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.**

**МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ 2023 ЙИЛ 28 ИЮНЬ КУНИ БОШЛАНИБ, 2023 ЙИЛ 5 ИЮЛЬ КУНИ ЯКУНЛАНАДИ.**

**27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

### АЗИЗ МАТБУОТ ВА ОАВ ХОДИМЛАРИ!

Барчангизни касб байрамингиз билан Халқ демократик партиясининг кўп минг сонли аъзолари номидан самимий қутлаймиз!

Она ватанимизда демократик қадриятларни юксалтириш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлашда журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнати, касбга садоқати ниҳоятда муҳимдир.

Сиз азизларга машаққатли, айни пайтда шарафли фаолиятингизда сўнмас шижоат ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз!

Ҳар доим оилавий бахт, сиҳат-саломатлик ҳамроҳингиз бўлсин!

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси.**ЭНГ КАМ  
ИСТЕЪМОЛ  
ХАРАЖАТИ****5 САҲИФА****ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН  
ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# САЙЛОВЧИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ОЧИҚ ВА САМИМИЙ МУЛОҚОТ РУҲИДА ЎТМОҚДА. ШУ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИ — САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ. ЖОЙЛАРДА ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.



Номзоднинг наманганлик сайловчилар билан учрашувидан лавҳа.

Электоратни зарур ахборот билан таъминлаш, сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш, пировардида жорий йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро стандартлар асосида адолатли, шаффоф ўтиши учун пухта замин яратиш мақсадларига қаратилган айна жараёнда номзодлар ўзаро рақобатлашмоқда. Бошқача айтганда, келажак сиёсати, Сайловолди дастури билан сайловчиларни таништирмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Улуғбек Иноятовнинг ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлари ҳам кўтаринки руҳда давом этапти. Самимий мулоқот шаклида ўтаётган бу учрашувларда Президентликка номзоднинг Сайловолди дастуридаги таклиф ва ташаббуслари тушунтирилиб, сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топмоқда.

Хусусан, номзод сайловчилар билан учрашувини **Жиззах вилоятидан бошлади**. Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган сайловчилар билан мулоқотда дастурнинг аҳоли кенг қатлами таклифлари асосида шакллантирилгани унинг ҳаётийлигини таъминлашда асосий мезон эканлиги таъкидланди.

— Халқ демократик партиясининг асосий ғояларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдир, — дейди Ўзбекистон ХДП Форш туман Кенгаши раиси Норинисо Ирисова. — Вақтинча ишсизлар ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ҳисобланади. Номзод дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратилгани ҳам дастур партия электорати манфаатлари асосига қурилганидан далолат беради.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, касбий тайёргарлигини оширишга замин яратадиган ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш муҳимдир. Янгиланган Конституциямизнинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши белгилаб қўйилган. Мана шу ҳуқуқий асосга таянган ҳолда, номзод дастурида меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ташаббусларини рағбатлантириш, фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар шугулланиши мумкин бўлган соҳаларни ҳамда ўзини ўзи банд қилган, деб ҳисобланадиган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш таклифлари илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка кўрсатилган номзоднинг кейинги учрашуви **Сирдарё вилоятида** бўлиб ўтди. Унда кучли ижтимоий сиёсат юритишнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

— Номзоднинг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлиги ҳақидаги ташаббуси эътиборимни тортди, — деди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаоли Нуриддин Латипов. — Бозор иқтисодиётининг самарали амал қилиши учун етарли иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, рақобатни ҳимоя қилиш баробарида инфляция ва ишсизликни камайитириш давлатнинг муҳим вазифаси бўлиши кераклиги илгари сурилмоқда.

Дастурда иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлаш учун қатор таклифлар келтирилган. Хусусан, номзод иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштироки сақлаб қолиниши кераклигига эътибор беради. Чунки жамиятимизда бозор муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш жараёни давлат иштирокисиз бўлмаслиги маълум.

Номзоднинг навбатдаги учрашуви эса ҳамиша навқирон **Самарқанд вилоятида** бўлиб ўтди. Вилоят фаоллари, ёшлар, жамоатчилик вакиллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари йиғилган учрашувда номзод Сайловолди дастуридаги йўналишлар кесимида илгари сурилган таклифларига тўхталиб, атрафлича сўзлаб берди.

— Сайловолди дастурининг устувор жиҳатлари кўп, уларнинг айримлари бўйича ўз муносабатимни билдирмоқчи эдим, — дейди Иштихон туманидан сайловчи Лола Бўлакова. — Хусусан, дастурда давлат ва жамият қурилишини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида ижроия ҳокимияти орган-

» **Айнан пиёдалар ўтиш йўлакларига светофорлар ўрнатиш ишларини кучайтириш кераклиги, тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш йўлакларидан инсонлар, энг ачинарлиси, болалар ўлими билан боғлиқ фожиали ҳолатлар учраши таъкидланди. Номзоднинг Сайловолди дастурида бу борада аниқ ечимлар таклиф этилгани эътиборга моликдир.**

лари фаолиятини янада такомиллаштириш, улар томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашув ўтказиш механизмини жорий этиш таклиф этилмоқда.

Қайд этиш керакки, ушбу ғояни амалга ошириш орқали мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг роли, ҳукуматнинг эса ҳисобдорлиги ва масъулияти ошади. Аҳоли учун муҳим масалалар бўйича қарорлар турли аҳоли қатламлари манфаатларини ифодаловчи сиёсий партиялар билан ба-маслаҳат қабул қилинса, жамиятда хавотир уйғотиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олди олинишига, самарали ижтимоий мулоқот ўрнатилишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, дастурда демографик жараёнларни тизимли ўрганишни йўлга қўйиш орқали, давлатнинг истиқболдаги ижтимоий мажбуриятларини аниқ белгилаб бориш тизимини жорий этиш лозимлиги қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам юртимиз аҳолиси ҳар йили қарийб бир миллионга

кўпайиб бораётгани сабабли ахборот технологияларини қўллаган ҳолда катта маълумотларни таҳлил қиладиган технологияларга ўтиш лозим. Маълум бир ҳудудда 3, 5 ва 10 йилдан кейин нечта мактаб ва поликлиникага эҳтиёж бўлишини тизимли асосда ўрганиб режалаштириш бугунги давр талаби ҳисобланади.

Номзоднинг **Сурхондарё вилояти** сайловчилари билан учрашуви Термиз шаҳрида ташкил этилди. Ёшлар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари қатнашган ушбу тадбирда номзоднинг Сайловолди дастури “Давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим” деган позицияда қатор аниқ ва истиқболли ғоя-ташабусларни қамраб олгани таъкидланди.

Хусусан, “Кўп квартиралар уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш қўшган ҳолда қуришда иштирок этиш тўғрисида”-ги қонунни қабул қилиш ҳаётини заруратга айлангани, бу таклиф биринчи галда фуқароларнинг маблағини ҳимоялашга қаратилгани, бугун хусусий сектор томонидан аҳоли учун турар жойлар қуриш ишлари жадал бораётган бир пайтда кўчмас мулк учун тўловни амалга ошириш, томонлар ўртасидаги шартнома шартларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиши айтиб ўтилди.

Сайловчиларнинг ногиронлиги бор шахслар турмуш шароитини, ҳаёти сифатини яхшилаш бўйича қандай таклифлар мавжудлигига доир саволларига батафсил жавоб берилди. Ногиронлиги бор шахслар учун ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайдиган инклюзив жамиятнинг барпо этиши, ушбу қатлам вакилларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва уларнинг барча соҳада қийинчиликларсиз фаолият юритишини кафолатлаш бўйича назарда тутилган таклифлар моҳияти ва аҳамияти тушунтирилди. Шу билан бирга, эҳтиёжманд шахсларга ажратилаётган моддий-ижтимоий ёрдам маблағларининг манзилли ва мақсадли етиб бориши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳақида сўз борди.

— Бугун Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятов тақдим этган дастур билан танишар эканмиз, унда ёшларимизни таълимнинг барча даражалари билан қамраб олишга қаратилган ташаббуслар алоҳида эътиборимни тортганини айтишим керак, — дейди халқ депутатлари Қизириқ туман Кенгаши депутати Соҳиба Самадова. — Билим инсонни комилликка кўтариш билан бирга, у яшаётган жамият ва мамлакатни ҳам юксалтиради. Инсонда билим ва интеллект таълим натижасида шаклланади. Шу боис, давлат фуқароларнинг таълимга оид ҳуқуқларини амалга ошириши ўз зиммасига олиши муҳим масаладир.

Номзод дастурида айна шу жиҳатларга урғу берилган. Мактабгача, умумий ўрта, касб-хунар ва олий таълимда аҳолининг барча қатламига тенг имкониятлар яратишга қаратилган чораларни кўриш таклиф этилмоқда. Мактаб ўқувчилари учун жамоат транспортдан фойдаланишда табақалашган тарифларни жорий қилиш, кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари таълим олишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби ташаббуслар ҳалқчиллиги ва ҳаётийлиги билан эътирофга лойиқ.

**Қарши шаҳрида** ЎзХДПдан номзод Улуғбек Иноятовнинг воҳа жамоатчилик вакиллари ва турли ёшдаги сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашуви, таъбир жоиз бўлса, чинакам очик мулоқот майдонига



Номзоднинг сурхондарёлик сайловчилар билан учрашувидан лавҳа.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН  
ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

# БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ



Номзоднинг фарғоналик сайловчилар билан учрашувидан лавҳа.

айланди. Номзод ўз Сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишларга тўхталиб ўтар экан, унда 9 та йўналишдаги юзга яқин ғоя ҳамда ташаббуслар қамраб олинганини қайд этди. Бугун жамиятимиз ҳаётида дуч келинаётган айрим долзарб масалаларга тўхталиб ўтилди.

Мисол учун, айнан пиёдалар ўтиш йўлакларига светофорлар ўрнатиш ишларини кучайтириш кераклиги, тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш йўлакларидан инсонлар, энг ачинарлиси, болалар ўлими билан боғлиқ фожиали ҳолатлар учраши таъкидланди. Номзоднинг Сайловолди дастурида бу борада аниқ ечимлар таклиф этилгани эътиборга молиқдир.

Учрашувда эҳтиёманд фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштириш борасида ҳам фикр алмашилди. ЎзХДПдан номзоднинг қайд этишича, кам даромадли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳимоясини янги босқичга олиб чиқиш жамиятимизда ижтимоий тенгликка эришишда муҳим ўрин тутди. Бунинг учун адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш, бепул маслаҳат берадиган юридик клиникалар тармоғини ривожлантириш лозим.

Номзоднинг фармацевтика соҳасида давлат назоратини кучайтириш таклифи ҳам учрашув иштирокчилари томонидан алоҳида қизиқиш уйғотди ва қўллаб-қувватланди. "Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш ушбу турдаги махсулотлар нархи асоссиз ошиб кетишига чек қўйиши мумкинлиги ҳаётий мисоллар билан баён этилди.

— Янги тахрирдаги Конституцияда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган тамойил қатъий муҳрланди ҳамда шунга мувофиқ давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари уч барабарга ошди, — дейди "Нуроний" жамғармаси Қарши тумани бўлими раиси Полвонкул Тўлиев. — Илк бор давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёманд тоифаларининг ҳаёти сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш мажбурияти юкланди.

Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Биринчи маротаба фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи ва уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилиши, ёшларимизнинг олийгоҳларга танлов асосида давлат гранти ҳисобидан ўқиши каби ҳуқуқлари белгиланди.

Айни шу вазифаларни амалга ошириш борасида номзод дастурида давлатнинг иж-

» **Давлат органлари томонидан ундириладиган барча тўловларни, у жарима бўладими, давлат божи, йиғим, бошқа мажбурий ундирувлар бўладими — ҳаммасини Давлат бюджетига йўналтириш тартибини жорий этиш мақбул чоралардан биридир. Чунки давлатнинг иқтисодий қудрати кафолатланган бюджетга бевосита боғлиқ.**

тимой мажбуриятларини самарали амалга ошириш механизмлари ҳамда демократик ижтимоий давлатни барпо этиш учун муҳим устувор йўналишлар белгиланган. Бир сўз билан айтганда, номзод эълон қилган дастурни халқчил дастур дейишимиз мумкин.

Президентликка номзод Улуғбек Иноятовнинг **Андижон вилояти** сайловчилари билан учрашувини Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши раиси Баҳром Қурбонов олиб борди. Номзоднинг ишончли вакили сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан яқиндан таништирди. Шундан сўнг номзод ўз Сайловолди дастури ҳақида атрофлича маълумот берар экан, асосий эътиборни ижтимоий сиёсат масаласига қаратди.

Таъкидланганидек, дастурда "Кучли ижтимоий сиёсат — ижтимоий давлатчилик пойдевори, барқарор жамият ва фаровон турмуш асоси" шиори остида аҳоли манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган бир қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, оилалар, болалар, аёллар ва қарияларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида самарали чора-тадбирлар назарда тутилган. Бундан ташқари, дастурда одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилашнинг муҳим омили сифатида уй-жой ва сифатли коммунал хизматларга чўқур ёндашилган.

Учрашувда сайловчилар номзод дастури,

ундаги таклиф ва ташаббуслар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Номзоднинг мактаблар ўқув дастурларида чет тиллари ва ИТ бўйича ўқув соатларини кўпайтириш бўйича берилган таклифини айни муддао, деб биламан, — дейди Шахрихон туманидан сайловчи Камолитдин Гопиров. — Бу ёшларни мактаб даврдан чет тилларини мукамал билиши ҳамда бугунги кунда ривожланиб бораётган ахборот технологиялари соҳасини ўрганиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладди. Чет тилларини қанча кўп билса, ИТ соҳасини пухта ўрганса, биринчи навбатда, ёшларимиз ҳаётда иш топишга қийналмайди, тайинли даромадга эга бўлади, ҳаётда ўз ўрнини топади, асосийси, ҳеч қачон бошқаларга муҳтож бўлиб қолмайди.

Ёки бўлмаса, мактаб ўқувчилари учун жамоат транспортдан фойдаланишда табақалашган тарифларни жорий қилиш таклифи ҳам диққатимни тортди. Бу ижтимоий ҳимоя масаласида муҳим аҳамиятга эга таклиф, деб ҳисоблайман.

**Фарғона вилоятининг** тарихий латиф шаҳри — Қўқонда ўтказилган учрашувда ҳам, айтиш мумкинки, сайловчилар юксак фаолликни намойиш қилди. Унда номзод дастури ҳақида сўз борар экан, у, аввало, одамларнинг муаммолари таҳлили асосида шакланган, деб эътироф этилди.

— Дастурда кўтарилган ҳаётий масалаларнинг ҳар бири жиддий ва чўқур ўйланган, — дейди Риштон туманидан Зиёда Ҳамролиева. — Ўзим иқтисодчиман, шунинг учун иқтисодий йўналишдаги таклифларга кўпроқ қизиқдим ва қониқиш ҳосил қилдим. Бугунги кунда қонунчилигимизда хорижий инвесторлар учун бир қатор солиқ ва давлат божлари бўйича имтиёзлар назарда тутилган. Худди шундай имконият ва имтиёзлар маҳаллий инвесторларда ҳам бўлиши миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини жадаллаштиради. Маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш аҳоли турмуш шароитини яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, давлат органлари томонидан ундириладиган барча тўловларни, у жарима бўладими, давлат божи, йиғим, бошқа мажбурий ундирувлар бўладими — ҳаммасини Давлат бюджетига йўналтириш тартибини жорий этиш мақбул чоралардан биридир. Чунки давлатнинг иқтисодий қудрати кафолатланган бюджетга бевосита боғлиқ.

Фарғоналик сайловчилар билан учрашувда барча фуқаролар учун адолатли давлат пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш ташаббуси ҳам асосий мавзулардан бири бўлди. Пенсия ва ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга етарли бўлиши лозимлиги айтилди. Қолаверса, эр ёки хотини вафот этган тақдирда вафот этган шахс

кўпроқ пенсия олган бўлса, ушбу пенсияни унинг ҳаёт бўлган турмуш ўртоғига ўтказиб бериш, яъни пенсияни алмаштириш тартибининг йўлга қўйилиши ҳам ижтимоий ҳимоя, ҳам инсонийлик нуқтаи назаридан оқилона ечим экани таъкидланди.

**Наманган вилояти** сайловчилари билан очиқ мулоқотда эса ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, унинг моҳияти ва аҳамияти асосий муҳокама мавзуси бўлди.

Қайд этилганидек, Президентликка номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастурида бозор иқтисодиётининг самарали амал қилиши учун етарли иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, рақобатни ҳимоя қилиш баробарида инфляция ва ишсизлики бартараф этиш давлатнинг муҳим вазифаси бўлиши кераклиги илгари сурилади. Иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлаш, бунинг учун Халқ демократик партиясининг принципиал позицияси — иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш, умумхалқ аҳамиятига эга иқтисодиёт тармоқларининг бошқарувида давлат иштирокини мустаҳкамлаш ғояси ўз ифодасини топгани учрашув иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

Дастурда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асоси сифатида барқарор иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ташаббусларини янада рағбатлантиришга алоҳида урғу берилган. Фуқароларнинг касбий тайёргарлиги, қайта тайёрланишини ташкил этиш ва рағбатлантириш, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар шуғулланиши мумкин бўлган соҳаларни ҳамда ўзини ўзи банд қилган деб ҳисобланадиган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш билан боғлиқ таклифлар ишсизлик, ижтимоий тенгсизлик каби муаммоларнинг натижадор ечими сифатида ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг барқарор ривожини кафолатлайди.

Дастурдаги миқдори қонун билан белгиланганидан юқори бўлган уй-жой, автотранспорт ёки бошқа мол-мулк мулкдорлари учун қимматбаҳо мол-мулк солигини, интернет, ижтимоий тармоқлар орқали тижорий фаолият, реклама билан шуғулланиб, ўртача ойлик номинал иш ҳақидан юқори фойда кўраётганлардан барча ишчи-ҳодимлар қаторида даромад солиғи ундириш тизимига ўтиш ташаббуси ҳам қизғин муҳокама қилинди. Жамиятдаги моддий неъматларнинг кўпроқ истеъмолчиси бўлган шахсларга нисбатан солиққа тортишнинг табақалашган тизими, шунингдек, юқори даромад толувчи шахсларнинг кам даромад толувчилар учун мўлжалланган солиқ тизими асосида солиққа тортиш тизимини қайта кўриб чиқиш ижтимоий адолат тамойили ҳамда партиянинг мақсадларига мос келиши тилга олинди.

— Аввало, дастурдан илм-фан тараққиётига хизмат қиладиган ташаббуслар ўрин олгани қувонарли, — дейди учрашув иштирокчиси Наманган шаҳридан Саидакбар Муталов. — Зеро, илм-маърифатсиз тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу борада докторант сифатида номзоднинг бизни ўйлантирган бир масала бўйича дастурда аниқ таклифини кўриб, очиги, жуда хурсанд бўлдим. Хусусан, дастурда турар жой ижараси учун компенсация тизимини докторантларга нисбатан ҳам жорий этиш таклиф этилмоқда. Бу жуда ҳам тўғри ёндашув. Чунки қўллаб-қувватлаш чанқоқ ёшларимиз олий таълимдан кейин илмий изланишларни давом эттириш, фалсафа доктори ёки фан доктори илмий даражасини олиш учун бошқа вилоятларга боришига тўғри келади. Бунда ёш тадқиқотчилар тўқнаш келадиган биринчи жиддий синов бу — турар жой масаласи. Шу нуқтаи назардан, талабалар учун жорий этилган ижара компенсацияси сингари тизимнинг докторантлар учун ҳам қўлланилиши ҳаётий заруратдир.

Учрашувларда сўзга чиққан фаоллар Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод дастурини қўллаб-қувватлашга, сайловда ўз фуқаролик позициясини намоён қилган ҳолда фаол иштирок этишга чақирди.

Президентликка номзод Улуғбек Иноятовнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари қизғин давом этмоқда.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси АХБОРОТ ХИЗМАТИ.**



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН  
ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

## SAYLOV



# САМИМИЙ МУЛОҚОТ

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ВА БУХОРОЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВНИНГ САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДАГИ НАВБАТДАГИ УЧРАШУВИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИБРАЙ ТУМАНИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

УЧРАШУВДА ВИЛОЯТ ЁШЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ АЪЗОЛАРИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Учрашувни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раиси Акмал Умаралиев олиб борди. Ишончли вакил сайловчиларга номзоднинг таржимаи ҳолини ўқиб берганидан сўнг, номзод сўзга чиқиб дастурдан ўрин олган таклиф ва ташаббуслар мазмунини сайловчиларга тushунтириб берди.

Хусусан, номзод томонидан мамлакатимизда **кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш** бўйича ташаббусларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, дастурда давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг бевосита иштирокини кенгайтиришга, жамоатчилик назоратини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор таклифлар ўз аксини топганлиги таъкидланди.

Дастурда таклиф этилаётган давлат функцияларини **босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига бериб бориш** орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий шериклик асосида хизмат кўрсатишга ўтиш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шериклик амалиётини кенг ривожлантириш ташаббуси нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида **маҳалла тизимини ривожлантириш**, маъмурий, ижтимоий, экологик, маданий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда унинг тўлиқ иштирокини таъминлаш бўйича таклиф ҳам маҳаллаларнинг аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали ва адолатли шакли сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлайди.

Дастурда фуқаролик жамияти институтларини **маҳаллий миқёсда қўллаб-қувватлаш**, туманлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларини фаолиятини кенгайтириш масаласи ҳам ўз аксини топган. Бу борада салоҳиятли ёшларга сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тизимида ишлашни рағбатлантириш бўйича таклиф ёшларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Ёки бўлмаса, давлат улуши бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари **кузатув кенгашлари таркибига жамоатчилик вакиллари ҳам киритиш** тўғрисидаги ташаббус уларнинг шаффофлигини янада

оширади, иқтисодиётда ижтимоий мулоқот ва жамоат назорати механизмининг жорий этишга хизмат қилади.

Дастурда фуқаролик жамияти ривожининг асосий омилли сифатида **жамоатчилик назоратини кучайтириш** масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, учрашувда ушбу таъсирчан институтдан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаол фойдаланиш учун зарур шарт-шароит яратиш бериш очиклик ва ошқоралик муҳитини янада мустаҳкамлашга, Конституция ва қонун устуворлигига эришишга хизмат қилиши қайд этиб ўтилди. Жамоатчилик назорати халқнинг фикри билан ҳисоблашнинг самарали воситаси бўлиб, учрашувда уни янада мустаҳкамлаш бўйича номзоднинг Сайловолди дастурдан ўрин олган бир қатор таклифлар янгради.

Хусусан, эҳтиёжманд шахсларга ажратилаётган **моддий-ижтимоий ёрдам маблағларининг манзилли ва мақсадли етиб бориши** устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласи партиянинг мақсади ва унинг электорати манфаатларидан келиб чиқиб таклиф этилаётганлиги таъкидланди.

Дастурда **коммунал хизматлар тарифлари, ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархларини шакллантириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши** устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилган бўлиб, бу фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга ҳамда ушбу соҳаларда қонунийлик, ошқораликни таъминлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Номзод томонидан, шунингдек, шаҳарларда **ноқонуний қурилишларга** қарши курашишнинг энг самарали усули сифатида жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаолиятини устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурати ҳам таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга янгиланган Конституцияда белгиланган мамлакатимизнинг ижтимоий давлат мақоми ва у билан боғлиқ ижтимоий мажбуриятни тўлақонли бажариш учун **Давлат бюджетни харажатлари** устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш тўғрисидаги таклиф ҳам сайловчилар томонидан қизгин муҳокама қилинди.

Умуман, номзод дастурида барча инсонларнинг ёши, жинси, ногиронлиги, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш устувор ғоялардан бири сифатида белгиланган.

» **Учрашувда сўзга чиққан фаоллар**  
**Халқ демократик партиясида**  
**Ўзбекистон Президентлигига номзод дастурини қўллаб-қувватлашга, сайловда фаол фуқаролик позициясини намоён этган ҳолда иштирок этишга даъват қилишди.**

## БУХОРО ВИЛОЯТИ

Номзоднинг сайловчилар ҳузуридаги навбатдаги учрашуви **Бухоро вилояти-нинг Олот туманида** бўлиб ўтди.

Учрашувда вилоят ёшлари, жамоат ташкилотлари аъзолари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши раиси Зулфия Тўйева олиб борди. Ишончли вакил сайловчиларга номзоднинг таржимаи ҳолини ўқиб берганидан сўнг, номзод сўзга чиқиб дастурдан ўрин олган таклиф ва ташаббуслар мазмунини сайловчиларга тushунтириб берди.

Хусусан, номзод томонидан **қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш** бўйича ташаббусларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Маълумки, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори қўшимча қийматга эга товарлар билан тўлдириш – барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан биридир. Шу мақсадда номзоднинг Сайловолди дастурида маҳаллий ҳоқимликлар даражасида **ҳаёт учун муҳим ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда кундалик зарур товарларни ишлаб чиқариш** бўйича ўрта муддатли ҳудудий дастурларни шакллантириш ва тасдиқлаш, шунингдек, мазкур дастурларни ҳудудларда иш ўринлари ташкил этишга доир давлат буюртмалари ҳамда ўрта махсус, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурларига мувофиқлаштириш бўйича ташаббус илгари сурилмоқда.

Шунингдек, номзод томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги бошқа товарларни ишлаб чиқариш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш чораларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш, шу билан бирга импорт ўрнини босадиган ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича асосли

бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш учун **имтиёзли кредитларни** жорий этиш зарурати қайд этиб ўтилди.

Номзоднинг Сайловолди дастурида ҳудудий ривожлантириш дастурларида маҳаллий саноатнинг ўсиши билан бир қаторда **қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг** самарадорлигини ошириш, бу борада ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, бу борада қишлоқ хўжалигида натижадорликни ошириш имконини берадиган хўжалик юритиш шакллари жорий қилиш, шу асосда **озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор ва самарали тизимини** яратиш, қишлоқ инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва технологияларини ривожлантиришга сармоя киритишни кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳамда қайта ишлаш корхоналари ўртасида кооперацияни ривожлантириш каби таклифлар илгари сурилди.

Ушбу таклифлар қишлоқ хўжалигини замонавий техника ва технологияларни, илмий асосланган, пухта ўйланган ёндашувларни қўллаш ҳисобига самарадорлигини янада оширишга, қишлоқ хўжалигида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳамда қишлоқ хўжалигида рақобатни ошириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини арзонлаштиришга қаратилган.

Учрашувда ушбу ташаббуслар ички бозорни арзон озиқ-овқат маҳсулотлари ва ижтимоий аҳамиятга молик товарлар билан тўлдириш, ушбу маҳсулот ва товарлар нархлари кескин ўсиб кетишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни қайта ишлаш корхоналарида барқарор ва юқори ҳақ тўланадиган янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Халқ демократик партиясида Президентликка номзод дастурида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ҳам қатор таклифлар ўрин олган. Хусусан, давлат улуши бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари кузатув кенгашлари таркибига жамоатчилик вакиллари ҳам киритиш орқали уларнинг шаффофлигини янада ошириш назарда тутилган.

Дастурда давлат функцияларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига бериб бориш, шу орқали уларни ижтимоий фаоллигини ошириш ҳам таклиф этилмоқда. Бу ташаббус партия электорати, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий шериклик асосида хизмат кўрсатилишида долзарб аҳамият касб этади.

Учрашувда самимий ва кўтаринки муҳит ҳукмрон бўлди. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан Президентликка номзодга мурожаат қилди ва ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришди.

Учрашувда сўзга чиққан фаоллар Халқ демократик партиясида Ўзбекистон Президентлигига номзод дастурини қўллаб-қувватлашга, сайловда фаол фуқаролик позициясини намоён этган ҳолда иштирок этишга даъват қилишди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ахборот хизмати.**





# ЭНГ КАМ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТИ

ИНСОН ТАБИАТАН ВАҚТ ВА ЧЕГАРА БИЛМАС ҲАЁТИЙ ЭХТИЁЖЛАР ЕТОВИДА ЯШАЙДИ. БОШПАНАГА ЭГА БЎЛИШ, КИЙИМ-КЕЧАК, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ, ТУРЛИ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, ХУЛЛАС, КУНДАЛИК БУ ЭХТИЁЖЛАРНИ КАФОЛАТЛАШ ДАВЛАТ ОЛДИГА АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯХШИЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАТОР ВАЗИФАЛАРНИ ҚЎЯДИКИ, УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ДАСТЛАБ ЭНГ КАМ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ШУНГА КЎРА МУАЙЯН ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

ЯШАШ МИНИМУМИ — БУ ЖАМИЯТДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН КИШИЛАРНИНГ БИР МЕЪЁРДА ҲАЁТИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ЭХТИЁЖЛАР ЖАМЛАНМАСИДИР. БУНИНГ УЧУН ЭНГ ЗАРУР ВОСИТАЛАР РЎЙХАТИ ТАСДИҚЛАНАДИ ҲАМДА УЛАР ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИДАН ЖОЙ ОЛАДИ.

## ИСТЕЪМОЛ САВАТИ НИМА?

Бу инсон ҳаёти учун зарур бўлган маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг минимал тўпламидир. Ушбу тизимдан яшаш нархини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Истеъмол савати уч қисмдан, яъни озиқ-овқат, ноозик-овқат товарлари ва хизматлардан иборат. Истеъмол ҳажми аҳолининг ҳар бир асосий ижтимоий-демографик гуруҳлари учун бир кишига, яъни меҳнатга лаёқатли аҳоли, нафақахўрлар ва болалар учун ўртача ҳисоблаб чиқилади.

Истеъмол саватига асосланган яшаш минимуми энг муҳим моддий неъматлар ва хизматларни (озиқ-овқат, санитария-гигиена воситалари, дори-дармонлар, уй-жой коммунал хизматлари) истеъмол қилишнинг минимал рухсат этилган чегараларини тавсифлайди.

Биламизки, бир инсон учун муайян вақтга керакли бўлган маҳсулотлар ва хизматлар қийматини ўзида ифодаловчи "саватча" аввал Ўзбекистонда йўқ эди. Узоқ йиллар давомида "истеъмол саватчаси" тушунчасини қонунчиликка киритиш ва унинг қийматини белгилаш борасидаги ташаббуслар номаълум сабабларга кўра ортга сурилди. Ваҳоланки, бу аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пенсия ва нафақаларни белгилаш каби энг оддий масалаларнинг бош мезони ҳисобланади. Яшаш минимумининг тасдиқланиши давлат бюджетидан қўшимча харажат талаб қилгани боис ҳам бу иш пайсалга солинган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо давомли курашлар самара бериб, икки йил олдин дастлабки қадамлар қўйилди.

2018 йилда ҳукумат даражасида бошланган амалий ҳаракатлар асосида ўрганишлар ўтказилди. Аҳолининг турли қатламлари имкониятлари инобатга олинди. Истеъмол саватчасининг механизмларини яратиш бўйича чоралар йўлга қўйилди. 2021 йилга келиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги мазкур харажатлар нархини эълон қилди.

Тўғри, ўша пайтга қадар ҳам амалда озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати ва истеъмол қилишнинг кунлик ўртача минимал тиббий меъёрлари мавжуд эди. Аммо бу истеъмол даражасига мутлақо мос келмасди. Иккинчи жиҳати, пенсия ва нафақалар ҳам тирикчилик учун энг кам миқдорга етмасди. Шу сабабли ишчи гуруҳи минимал истеъмол хара-

жатларини ҳисоблаш учун 10 мингдан ошиқ хонадонда уйма-уй сўровнома ўтказди.

Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, сўровномада иштирок этган уй хўжаликлари харажатлари миқдори бўйича ўнга гуруҳга ажратилди. 2022 йилда эълон қилинган ҳисоб-китобларга кўра, кунлик истеъмол қилинадиган озиқ-овқат (2200 ккал) ва зарур бўлган ноозик-овқат товарлар ҳамда хизматлар учун минимал истеъмол харажатлари бир ойда ҳар бир одам учун 498 минг сўмни ташкил қилган бўлса, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 920 минг сўмни ташкил этади. 2021 йилда ушбу қиймат 440 минг сўм этиб белгилан эди.

## КАМБАҒАЛЛИК ВА УНИНГ ЧЕГАРАСИ

Айтиш керакки, халқаро тажрибада минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиш кенг тарқалган. Шу ўринда камбағаллик тушунчасига мутахассисларнинг таърифлари билан изоҳ берсак.

Камбағаллик, деб турмуш даражасини етарли таъминлай олмаслик, яъни маълум бир шахс ёки оиланинг зарурий эҳтиёжлари даражасининг уларни қондириш имкониятларидан ошиб кетишига айтилади. Масалан, бирор бир шахс, одатда, оила яшаш учун энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмасди, уларни ушбу рўйхатга киритиш мумкин. Тажрибада бундай кишилар ишга лаёқатли бўлади. Аммо улар ўз оиласини боқиш учун етарли маблағга эга эмас.

Мутахассислар фикрига кўра, камбағалликнинг 2 хил чегараси мавжуд. Дунё олимлари олиб борган тадқиқотлар натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган, ҳаёт кечириш учун даромади паст бўлган одамлар сонининг бутун аҳолига нисбати камбағаллик даражасининг мезони ҳисобланади.

Мутлақ камбағаллик аҳолининг турли гуруҳлари даромадларининг маълум бир минимал қийматга етиб бормагани билан изоҳланади. Бу энг кам иш ҳақини белгилашнинг асоси ҳамдир. Хусусан, чекланган озиқ-овқат ва озгина қўшимча харажатларга йўл қўйиш имконига асосланган минимал турмуш даражасини таъминлашга етадиган суммага эга бўлиш мутлақ камбағалликни англатади.

Нисбий камбағалликда эса шахс ёки оиланинг даромади мамлакат ўртача дарома-

» **Бир инсон учун муайян вақтга керакли бўлган маҳсулотлар ва хизматлар қийматини ўзида ифодаловчи "саватча" аввал Ўзбекистонда йўқ эди. Узоқ йиллар давомида "истеъмол саватчаси" тушунчасини қонунчиликка киритиш ва унинг қийматини белгилаш борасидаги ташаббуслар номаълум сабабларга кўра ортга сурилди. Ваҳоланки, бу аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пенсия ва нафақаларни белгилаш каби энг оддий масалаларнинг бош мезони ҳисобланади.**

дидан ёки харажатидан паст бўлади. Мазкур ҳолатда одам ўртача меъёрдан паст даражада яшайди.

Камбағалликка барҳам бериш билан боғлиқ чора-тадбирлар мамлакатимизда йўлга қўйилганми? Ҳа, албатта. Бу борада тизимли ишлар қилинапти. Ҳуқуқий асос ҳам яратилмоқда. Бироқ жаҳон тажрибасида камбағалликни камайитиришнинг энг самарали 2 усули ҳақида сўз боради.

Аввало, камбағалларда иқтисодий фаолликни уйғотиш зарур. Камбағалликда яшовчи кишилардаги ялқовликни йўқ қилиш, ўзига бўлган ишончсизлик ҳиссига барҳам бериш талаб этилади. Уларни меҳнатга рағбатлантириш, асосийси, ишлаб пул топиб, тўқ яшашига шароит ва имкониятлар яратиш зарур.

Шунингдек, давлат ва корхоналарнинг моддий ёрдам беришини ташкил этиш. Бу қандай амалга оширилади? Одамларда боқимандалик кайфиятини пайдо қилмаслик учун моддий ёрдам ёппасига берилмаслиги лозим. Фақатгина ўзини ўзи боқишга қодир бўлмаган кишиларга, масалан, ногиронлиги бўлган шахсларга ва кўп болали оилаларга нисбатан бу усулни қўллаш мақсадга мувофиқ. Қолганларни банд қилиш, касб-хунарга ўргатиш ҳамда ўз ишини йўлга қўйишга моддий ва ҳуқуқий кўмак кўрсатиш орқали турмуш фаровонлигини ошириш мумкин.

## ҲУҚУҚИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ҚАДАМ

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 27 августда минимал истеъмол харажатлари

қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунга мувофиқ равишда Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низоми ҳам тасдиқланди.

Ҳужжатга кўра, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларнинг натижадорлигини ошириш кўзда тутилган. Бунда аҳолининг мақсадли гуруҳини аниқлаш бўйича вазифалар қатъий бир мезон ва услубий ёндашувларнинг ишлаб чиқилишини талаб этади.

Ўз навбатида ушбу услубий ёндашув ва базани шакллантириш аҳолининг турмуш шароити ҳамда ижтимоий ҳолатини бевосита ўзида акс эттирувчи, яъни уларнинг истеъмол таркиби ва хусусиятлари бўйича реал ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблашда муҳим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, 2022 йилдан бошлаб "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали оилани кам таъминланган деб эътироф этиш жараёнида қўлланиладиган ва жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига тенглаштирилиши белгиланди. Яъни, ҳар йили август ойига қадар истеъмол харажатлари қийматининг прогноз параметрлари инфляция кутималаридан келиб чиқиб ҳисобланади. Муҳими, тегишли вазирликлар аниқланган прогноз кўрсаткичларини келгуси йил учун Давлат бюджети харажатлари параметрларини шакллантиришда инобатга олади.

Бундан ташқари, минимал истеъмол харажатлари, камбағаллик чегараси ва уй хўжалиklarининг реал истеъмол қийматлари ҳамда таркиби ўрганиб борилади. Соғлом ҳаёт кечириш учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун минимал истеъмол харажатлар қийматини ҳисоблаш тамойиллари, босқичлари ва тартиби тасдиқланади.

Минимал истеъмол харажатларини ҳисоблашда ҳар бир уй хўжалиги аъзоларининг ёши ва таркибидан келиб чиққан ҳолда тегишли коэффицентлар қўлланади. Уй хўжаликлари кузатувлари қамровини 2023 йилгача босқичма-босқич 2 баравар ошириш ҳам қарорда кўзда тутилган. Бу борадаги ишлар камбағалликни қисқартиришнинг янги воситаларини амалиётга жорий этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастури асосида олиб борилаётган.

## 42-МОДДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 42-моддасида шундай белгиланган:

– "Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга".

Этиборлиси, мазкур моддага мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Шунингдек, аёллар дискриминациясига чек қўйишнинг ҳам ҳуқуқий асоси юзага келди.

Яна бир муҳим жиҳати эса 42-моддада белгиланган меъёрлар "истеъмол саватчаси", "камбағаллик чегараси", "энг кам иш ҳақи" ёки "яшаш минимуми" тушунчаларини ҳаётга татбиқ этишда мустаҳкам асос бўлади. Ҳар бир шахсни ишсизликдан ҳимоялаш, оғир вазиятга тушганда иқтисодий муаммоларни енгиб ўтишига кўмаклашишни ҳам кафолатлайди. Буларнинг бари пировардида одамларнинг турмуш даражасини оширишга, ижтимоий тенглик ва иқтисодий барқарорликка эришишга замин яратади.

## ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТ

Аввало, бу соҳада янги қонунларга эҳтиёж мавжуд. Ўзбекистон Халқ демократик партияси узоқ йиллардан буён ўз сайловолди дастурида "истеъмол саватчаси"ни тасдиқлаш билан боғлиқ ташаббусларни илгари суриб келган. Охириги бўлиб ўтган парламент ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайловда ҳам ўз дастурида ушбу масалага эътибор қаратди.

Аммо қонун қабул қилиш, уни ҳаётга татбиқ этиш жараёнлари осон кечмайди. Чунки бу давлат бюджетига юкламаларни сезиларли даражада оширади. Барча соҳада очиқлик ва шаффофликка эришилса, яширин иқтисодий ёрдам эшиш самарали иш юритилса, ўз-ўзидан бюджет имкониятлари ҳам кенгайди. Натижада эса ижтимоий тенгликни таъминлашга хизмат қилувчи мезонлардан бирини ҳаётга татбиқ этиш имкони ортади.

Президентликка партиядан номзод дастурида энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида қонун қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган. Мазкур қонун ижтимоий ҳимоя кафолатларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши таъкидланмоқда.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**  
**"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.**

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ДУНЁДА ҚАНДАЙ?



Атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг барчамизга ёд бўлиб кетган бу сатрлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бугун замонавий компьютер техникаси ва интернетни сув қилиб ичиб юборган йигит-қизлар, ҳаттоки сизу биздан телефонни яхши тушунадиган болажонлар "Учар гилам" лару, "Тоҳир-Зухра" ёки "Ерилтош" ни билишармикан? Таассуфки, деярли йўқ.

Таъкидлаш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўғил-қизларнинг замонавий билим олиши, юксак маънавиятли бўлиб ўсishi учун зарур шароит яратиш борасидаги ишларни изчил ривожлантириш мақсадида маъмурий ислохотлар доирасида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ташкил этилди. Кейинги йилларда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етиши натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага бормоқда.

Маълумки, ҳар бир халқ, миллат ва давлатнинг тарихий тараққиёти таълим-тарбия, маънавият даражасига боғлиқ бўлган. Таъкидлаш керакки, таълим шунингдек, шахсда миллий ғурур туйғусини шакллантиришни болалик давридан бошлаш зарур. Шахснинг камолотида миллий ғурур, миллий ифтихор, ўз-ўзини англашиш мактабгача ёшдаги болалардан бошлашда халқ оғзаки ижоди намуналари жуда катта роль ўйнайди. Бунда турли халқлар тафаккури маҳсули бўлган халқ оғзаки ижоди намуналари - эртақлар, ҳикоялар, ривоятлар, афсоналар, топишмоқлар, тез айтишлар, мақоллар, маталлар, ўйинлар, лапарлар, кўшиқлар, латифалар, нақллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқроқ тажрибада ёш авлодни миллий ифтихор руҳида тарбиялашда асосан нималарга эътибор берилади?

Масалан, Польшада мактабгача таълими болалар боғчасида ёки мактабдаги махсус синфларда олади. "Ноловий синф" 6 ёшдаги ҳамма болалар учун мажбурийдир. Ҳамма боғчаларда поляк болалари мактабда ўзини қандай тутуши ке-

раклиги ҳақида ўргатиб борилади.

Белгияда эса мактабгача таълим 2,5 ёшдан бошланади. Мактабгача таълим гуруҳларининг асосий мақсади: болаларнинг билиш, билим орттириш (когнитив), коммуникатив ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади. Мактабгача таълим мажбурий таълим дастурига киритилмаган бўлса-да, Белгияда тахминан 90% гача бўлган болалар унга қатнашади.

Мактабгача таълимга Японияда жуда катта эътибор берилди, чунки психологларнинг таъкидлашича, 7 ёшгача инсон билимларнинг 70%ни, қолган 30%ни бутун қолган умри давомида ўзлаштирар экан. Мактабгача тарбия одатда оиладан бошланади. Япон аёллари учун оналик биринчи ўринда туради. Кўпгина япон аёлларининг айтишларича, бола тарбияси улар ҳаётларининг мақсадларидир. Японлар боланинг эрта воёга етиши тарафдоридир. Турли ёшларда тарбиянинг турли муаммоларига урғу беради. Масалан, 1 ёшда-ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш, 2 ёшда-амалий санъат қўл меҳнатини кўрсатиш, 3 ёшда-бурч ҳиссини тарбиялаш, 4 ёшда-яхшилик ва ёвузликни фарқлашга ўргатиш, 5 ёшда-лидерлик ҳислатларини тарбиялаш, мустақилликка, режа тузиш ва уларни бажаришга ўргатиш. Болалар ва қизлар турлича тарбияланадилар. Ўғилга оиланинг бўлажак таянчи сифатида қарайдилар ва кийинчиликларни энгишга ўргатадилар. Қизларни эса уй ишлари-га тайёрлайдилар. Эртақлар, китоблар, мусиқа, спорт ўйинлари, рассомлик каби шахснинг ижодий хусусиятларига қизиқиш уйғотилади. Болалар боғчаси Японияда ватан фуқаросини шакллантириш тизимининг 1-босқичи ҳисобланади.

Жанубий Кореяда болалар боғчаси умумтаълим турига кирмайди. Ота-оналар фарзандларини хусусий мактабгача муассасаларга берадилар. Бу муассасаларда машғулотлар корейс тилида, инглиз тилида, баъзиларида фақат инглиз тилида олиб борилади. Болалар боғчасига 3 ёшдан 5 ёшгача қабул қилинади. Болалар боғчасининг асосий вазифаси уларнинг

ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратишдан иборат. Боғчаларда асосан мусиқа, расм, ҳисоблаш дарслари ўтилади. Корейс боғчаларида болаларда мустақилликни шакллантиришга катта эътибор берилди.

Хитойда мактабгача таълим болалар боғчалари ва мактабгача таълим муассасалари ҳисобланади ва 3-6 ёшли болалар қабул қилинади. Хитой болаларидаги қатъийлик ва меҳнатсеварлик анъанавий фазилатларга айланган.

Кўриниб турибдики, ҳар бир миллат давлат келажаги бўлган болаларни тарбия қилиш, уларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантиришни боғча ёшидан бошлади ва бунда турли усуллар ва йўналишлардан фойдаланади.

Кундалик ҳаёт ва байрамларда, анъана ва урф-одатларда, маҳалла ва оилавий ўзаро муносабатларда миллий ғурур ғоялари ифодаланган ва ривожланган. Шу сабабдан ҳам халқ анъаналарида қўлланган, асрлар давомида синалган баркамол шахсини тарбиялаш воситаларидан воз кечиб бўлмайди. Мазкур жараёнда мактабгача таълим даври етакчи ролни эгаллайди. Мактабгача ёш даври миллий ғурур — мен концепцияси мотивларини шакллантиришда ва болаларнинг билишга оид қизиқишларини ривожлантиришда, ижтимоий ва ахлоқий қоидаларни ўзлаштиришларида асос ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки ижоди бу миллатнинг туғанмас бойлиги, ундан оқилона фойдалана олиш оилада, таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил қилишда катта самара беради. Чунки, мактабгача таълим ташкилотидан бошлаб аждоқларимиз панд-ўғитлари, халқимиз мақол-маталлари билан таништириб бориш, уларнинг ҳар бирига тахлилий тушунча бериш, уни одоб-ахлоққа боғлаб бориш миллий мафкурамизга тамал тоши қўйиш, демаслик.

**Эъзога ЯШИНОВА,  
Шахрисабз давлат педагогика  
институтини мактабгача таълим  
йўналиши талабаси.**

## “ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АЖ:

### СУРХОНДАРЁДА 81 ТА ЛОЙИҲА ИШГА ТУШИРИЛАДИ

**Бугунги кунда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан мамлакатимизда электр энергияси тармоғини жадал ривожлантириш, барқарор ва узлуксиз электр энергиясини ишлаб чиқариш, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли фойдаланиш ҳамда гидроэнергетика соҳасида янги ГЭСларни ишга тушириш, мавжудларини изчил модернизация қилиш бора-санда режали ва кенг қўллади ишлар олиб борилмоқда.**

Хусусан, ҳозирда Сурхондарё вилоятини мавжуд гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги қувватларни ишга тушириш йўналишида жамият томонидан босқичма-босқич амалий ишлар қилинаёпти. Жумладан, 2023-2030 йилларда Сурхондарё вилоятини 81 та лойиҳа асосида 601,4 МВт, йиллик 2 038,2 миллион кВт.соатга тенг янги қувватларнинг ишга туширилиши режалаштирилган. Бу ҳақда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан “Тўпаланг ГЭС” унитар корхонасига мамлакатимизнинг етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари, хорижий журналист ва блогерлар учун ташкил этилган пресс-турда атрафлича маълумот берилди.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкинки, жорий йилда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан Сурхондарё вилоятини 6 та лойиҳа асосида 184,1 МВт қувват ишга туширилади. Эътиборлиси, ушбу ресурслар табиий ва қайта тикланувчан ҳисобланиб, мамлакатимиз энергетика соҳасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. ГЭСлар томонидан экологияга ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда, барқарор энергия ишлаб чиқарилиб, вилоят саноат корхоналари, туризм идоралар ва маҳаллий аҳолига етказиб берилади.

Шунингдек, пресс-тур доирасида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов ОАВ вакиллари билан мулоқот ўтказди. Жонли ва қизиқарли кечган мулоқот давомида бошқарув раиси “Тўпаланг ГЭС” УК фаолияти, ундаги инсон омилсиз бошқарилувчи замонавий технологиялар, ГЭСда ўрнатилган “ақли бошқарув тизими”га тўхталиб ўтди.

– Бугунги кунда янги истиқболли лойиҳа асосида 16 МВт бўлган “Зарчоб-3” ГЭС қурилиши бўйича дастлабки ишлар амалга оширилмоқда, – дейди А.Сангинов. – Шу билан бирга, истиқболли лойиҳалар асосида кейинги йилларда “Тўпаланг” дарёсининг юқори қисмида жами 20 та лойиҳа асосида қуввати 264 МВт бўлган “Юқори Тўпаланг ГЭС” лари қурилади. Бундан ташқари, “Тўпаланг” сув омбори ҳажминини ошириб бориш, сув омбори хавфсизлигини таъминлаш борасидаги илгор тизимларни ўрнатиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. “Тўпаланг” дарёси сувида унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” кичик ГЭСлари барпо этилди. Ҳозирги кунда янги истиқболли лойиҳа асосида 16 МВт бўлган “Зарчоб-3” ГЭС қурилиши бўйича дастлабки ишлар амалга оширилмоқда.




Шунингдек, истиқболли лойиҳалар асосида кейинги йилларда “Тўпаланг” дарёсининг юқори қисмида жами 20 та лойиҳа асосида қуввати 264 МВт бўлган “Юқори Тўпаланг” ГЭСлари қурилади. Ушбу жараёнда эса жамият томонидан амалга ошириладиган микроГЭСларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятини 55 та лойиҳа асосида жами қуввати 25,8 МВт бўлган лойиҳалар ишга туширилиши, аҳолига тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу борада жамият томонидан қуввати 9,1 МВт бўлган 5 та лойиҳа, хусусий сектор томонидан янги 3 та лойиҳа – қуввати 1 МВт бўлган микро ГЭСлар қурилиши кўзда тутилган, – деди журналистлар билан мулоқот чоғида бошқа-

рув раиси. Энг муҳими, ушбу ишлар натижасида 582 миллион м<sup>3</sup> табиий газ иқтисод қилинишига эришилади. Шунингдек, 1 минг 560 та янги иш ўрни яратилиб, 850 мингдан ортиқ хонадон электр энергияси билан таъминланади.

Пресс-тур давомида «Ўзбекгидроэнерго» бошқаруви раиси билан ўтказилган жонли мулоқот журналист ва блогерлар учун Ўзбекистон гидроэнергетика соҳаси билан яқиндан тўлақонли танишиш, жорий ва истиқболли лойиҳалар, ҳамкорлик лойиҳалари ҳақида етарлича маълумот олиш, амалий ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, асосий кўрсаткичлар ва тахлилий маълумотларини олишга хизмат қилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
“Ўзбекистон ovozi”  
муҳбири.**

## БИЛАСИЗМИ?



**Судланганларни ишга қабул қилишни рад этиш мумкин эмас**

Ишга қабул қилишни ноқонуний рад этишга йўл қўйилмайди.

Қуйидагилар ишга қабул қилишни ноқонуний рад этишдир:

– камситишни тақиқлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

– иш берувчи ишга тақлиф этилган шахсларни ишга қабул қилмаслик;

– иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномасини тузиши шарт бўлган шахсларни (иш ўринларининг энг кам сонига ишга юборилган шахсларни, иш берувчи алоҳида асослар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилган шахсларни, улар қайта ишга қабул қилинган тақдирда ва бошқаларни) ишга қабул қилмаслик;

– ҳомиладорлик ёки фарзандлар борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ишга қабул қилмаслик;


– судланганлиги сабабли шахсларни ишга қабул қилмаслик (қонунчиликда алоҳида истиснолар белгиланиши мумкин).

Ишга қабул қилиш рад этилганда ариза берувчига унинг сабаби кўрсатилиб жавоб берилади.



**Махсулотини Ўзбекистон туризм брендини фойдаланувчи тадбиркорлар солиқдан чегирмага эга бўлади**

Қонунчиликка кўра, 2025 йил 1 январгача туризм соҳасида фаолият кўрсатадиган субъектларнинг солиқ солинадиган базаси Ўзбекистон туризм бренди ва “Uzbekistan.travel” сайти рекламаси бўлган босма махсулотларни (харита, рисола, буклет, флаер ва бошқалар), сувенир ва қадоқлаш махсулотларини (сумка, пакет, мактаб дафтарлари, ёрлик, филофлар, кийим-кечак ва ошхона анжомларидаги ёзувлар) тайёрлаш ва чоп этишга йўналтирилган харажатлар суммасига камайтирилиши белгиланган.



**Кимлар поездларда йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқига эга?**

Қонунчиликка кўра, темир йўлларда чиптанинг тўлиқ қийматидан 50 фоиз чегирмалар билан йилига 1 марта юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) талонларга алмаштириш ва гувоҳнома тақдим этиш бўйича қуйидагиларга берилган:

– 3-ғуруҳ уруш оқибатида ногиронлиги бўлган шахсларга;

– уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга.

Шунингдек, айрим шахслар темир йўлларда йилига бир марта бепул юриши (бориш ва келиш) мумкин.



**Давлат кўп болали оилаларга имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлайди**

4 нафар ва ундан ортиқ 18 ёшга тўлмаган боласи бўлган оила кўп болали оиладир.

Бунда, агар 4 нафар ва ундан ортиқ болаларидан 1 нафари ёки ундан кўпроғи таълимнинг кундузги шаклида (ўрта махсус ва профессионал, олий таълим) таълим ташкилотларида ўқиётган ҳамда 22 ёшга тўлмаган бўлса, бу оила ҳам кўп болали оила деб ҳисобланади.

Давлат кўп болали оилаларга қонун ҳужжатлари мувофиқ имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилишини таъминлайди.

## XORAZM VILOYATI QO'G'IRCHOQ TEATRI jamoasi

юртдошларимизни улуғ ва  
муборак айём — Қурбон ҳайити  
билан самимий табриклайди.  
Хайру саховат ва шукроналик байрами  
барчамизга қутлуғ бўлсин!



## «14-SON RELS PAYVANDLASH POEZDI UNITAR KORXONASI»

жамоаси



27 июнь — Матбуот ва оммавий  
ахборот воситалари ходимлари  
куни муносабати билан юртимизда  
фаолият кўрсатаётган барча  
журналистларни табриклайди.  
Барчангизга сиҳат-саломатлик,  
янги ижодий ютуқлар,  
хонадонларингизга  
тинчлик-хотиржамлик,  
файзу барака тилайди.



30 IYUN — YOSHLAR KUNI

+31 Корақалпоғистон Республикаси Хоразм

+33 Бухоро Навоий

+33 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё

+36 Қашқадарё Сурхондарё

+31 Андижон Наманган Фарғона

+33 Тошкент шаҳри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



## ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРИ

Ҳар қандай мамлакатнинг эртанги кунни бевосита ёшларга ва улар билан боғлиқ амалга ошириладиган сиёсатга боғлиқ. Бежизга ёшларни келажак бунёдкори, деб аташмайди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс учун пойдевор яратишда ёшларнинг куч-ғайрати ва азму шижоатига таяниш керак.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 30 июнь – Ёшлар кунини муносабати билан "Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ёшлар билан ҳамнафас!" шиори остида Тошкент вилоятининг гўзал гўшаларидан бири бўлган "Хумсон" дам олиш масканида фестивал ташкил этилди.


Фестиваль доирасида ёшлар ўртасида шахмат, стол тенниси, бадминтон, арқон тортиш, кубик-рубик йиғиш каби йўналишларда спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Уларда вазирлик тизимидаги ёш ходимлар ўзларининг ақлий ва жисмоний салоҳиятини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Шундан сўнг, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги раҳбариятининг ёшлар билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбатда бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар давлат сиёсати даражасида қўтарилганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, тизимда ҳам ёш ходимларнинг меҳнат қилиши, касб сир-асрорларини пухта ўрганиши, иқтидорини намойён этиши учун барча имкониятлар яратилганлиги ҳақида тўхташди.

Ёшлар ўзаро суҳбатлашиб, янги фикр ва ғояларини ўртага ташлашди. Вазирлик раҳбарияти томонидан бу тақдирлар қўллаб-қувватланиши ва амалиётга жорий этилиши таъкидланди.

Тадбир сўнггида танлов ва мусобақаларда ғолиб бўлган ҳамда фаол иштирок этган ёшларга эсдалик совғалар топширилди.

Шухрат ИСЛОМОВ





**QISHLOQQURILISHBANK**


ATB "Qishloq qurilish bank" jamoasi  
barcha yurtdoshlarimizni

# Qurbon hayiti

bilan samimiy muborakbod etadi!

Quant mobil ilovamizni yuklab oling!



www.qishloqqurilishbank.uz +998 78 150 00 55, 1254

### ПРЕСС-ТУР

## ХАЛҚ БАНКИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎМАГИДА 9 МИНГДАН Ортиқ ФУҚАРО ИШЛИ БЎЛДИ

Бугунги кунда акциядорлик тижорат Халқ банки аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали тадбиркорликка кенг жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратмоқда. Шу билан бирга ишсиз фуқароларимизнинг бандлигини таъминлаш борасида ҳам тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятидаги тадбиркорлик субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва аҳоли ушбу банкнинг молиявий кўмагидан самарали фойдаланиб келмоқда. Хусусан, Халқ банкининг молиявий кўмаги асосида иш олиб бораётган ана шундай тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари ва жамоатчилик фаоллари иштирокида Самарқанд вилоятига пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур иштирокчилари Халқ банки Самарқанд вилояти филиалининг кўрсаткичлари билан таништирилди. Маълумотларга кўра, Халқ банки Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар филиаллари томонидан жорий йилнинг беш ойи давомида 12 минг 473 нафар фуқарога 336 миллиард 538 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган. Бу кредитларнинг 78 фоизи жисмоний

миллион сўм кредит олганмиз, – дейди "SAMPLASTSERVIS" МЧЖ савдо бўлими бошлиғи Отабек Эшонкулов. – Бугун маҳаллий бозорларимизда ўрнимизни топишимиз ва муваффақиятларимизда банкнинг ҳиссаси катта, деб биламиз. Ҳозирда яна бир цех қурилишини амалга ошираётганимиз ва йил якунига қадар ишга тушира- миз. Ана шунда иш ўринлари сони ҳозирги 120 тадан яна 50 тага кўпая-



шахсларга тўғри келади. Эътиборли жиҳати, банкнинг вилоят филиаллари томонидан ўтган вақт мобайнида 171,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиши натижасида 9 мингдан ортиқ фуқаро иш билан таъминланган.

– Биргина оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида маҳаллардаги ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида 9117 нафар шахсга қарийб 172 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди ва бунинг натижасида 9150 кишининг бандлиги таъминланди, – дейди Халқ банки Самарқанд вилоят филиали бошлиғи Ислам Давронов. – Бу кредитларнинг 167,7 миллиард сўми 9086 нафар жисмоний шахсларга берилди. Шунингдек, хотин-қизлар ва ёшларга ҳам имтиёзли кредитлар ажратиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3700 нафардан ортиқ ёш тадбиркорга ва 5000 нафар хотин-қизга банкимиздан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Пресс-турнинг кейинги манзили Пастдаргом туманидаги "SAMPLASTSERVIS" масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

2008 йилда фаолиятини эшик-дераза йиғиш устахонаси сифатида бошлаган мазкур субъект бугунги кунда мамлакатимизда "BIKO PVC" бренди остида ПВХ профиллар, замонавий эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқараётган ҳамда бу йўналишда ўз ўрнини топган йирик компания ҳисобланади. Айтиш керакки, Сирдарё вилоятида ҳам ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Дилерлик марказлари эса мамлакатимизнинг барча вилоятларида ташкил этилган. Юртимиздаги йирик қурилиш компаниялари мазкур корхонанинг асосий буюртмачилари саналади.

Ҳамёнбop нарх, қисқа вақтда сифатли маҳсулот тайёрлаш қуввати, ҳар бир хом ашёни танлашда индивидуал ёндашув корхона муваффақиятининг асосидир. Маҳсулотлар Германия ва Туркиядан келтирилган сифатли хом ашёдан тайёрланади.

– Халқ банкидан айланма маблағ ва қурилиш учун шу пайтгача 800

миллион сўм кредит олганмиз, – дейди "SAMPLASTSERVIS" МЧЖ савдо бўлими бошлиғи Отабек Эшонкулов. – Бугун маҳаллий бозорларимизда ўрнимизни топишимиз ва муваффақиятларимизда банкнинг ҳиссаси катта, деб биламиз. Ҳозирда яна бир цех қурилишини амалга ошираётганимиз ва йил якунига қадар ишга тушира- миз. Ана шунда иш ўринлари сони ҳозирги 120 тадан яна 50 тага кўпая-

– Биргина оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида маҳаллардаги ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида 9117 нафар шахсга қарийб 172 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди ва бунинг натижасида 9150 кишининг бандлиги таъминланди, – дейди Халқ банки Самарқанд вилоят филиали бошлиғи Ислам Давронов. – Бу кредитларнинг 167,7 миллиард сўми 9086 нафар жисмоний шахсларга берилди. Шунингдек, хотин-қизлар ва ёшларга ҳам имтиёзли кредитлар ажратиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3700 нафардан ортиқ ёш тадбиркорга ва 5000 нафар хотин-қизга банкимиздан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Пресс-тур иштирокчиларининг кейинги манзили "Конибил туризм қишлоғи"да Халқ банкининг молиявий кўмагида фаолият бошлаб, бугунги кунда самарали меҳнат қилиб келаётган хунармандлар фаолияти ва улар яратаётган хунармандчилик маҳсулотлари билан яқиндан танишишдан бошланди.

Хунарманд Дилфуза Раззоқова тақинчоқлар ясаш йўналишидаги фаолиятини кенгайтириш мақсадида Халқ банкининг молиявий кўмагидан фойдаланиб ўз бизнесини юритаётган тадбиркор аёллардан биридир. – Аслида, "Конибил" маҳалласи хунармандлар маҳалласи ҳисобланади, – дейди хунарманд Д.Раззоқова. – Ота-боболаримиздан мерос хунарларни давом эттириб, оилавий миллий сандиқсозлик билан шўғулланиб келардик. Хунармандчилик фаолиятини кенгайтириш мақсадида банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олдим ва фаолиятимни кенгайтирдим. Бугунги кунда оилавий корхонамизда 66 киши меҳнат қилмоқда. Ишчиларимиз асосан хотин-қизлардан иборат. Уларнинг 30 нафари касаначилик асосида ўз уйда меҳнат қилишади. Маҳалламизда ташкил қилинган туризм қишлоғи маҳсулотларимиз савдосини амалга оширишда кўл келмоқда.

Пресс-тур баҳонасида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан Халқ банки раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби Гулноза Алимова журналистларни байрам билан табриклаб, банкнинг эсдалик совғаларини ҳам топширди.

**Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ,**  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

## O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV  
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV  
Qalander ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOQULOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 239-12-14

Reklama b'limi: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 636. 17016 nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:10

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda